БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 238 (4337)
18 ОКТЯБРЬ 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI Съездини муносиб кутиб олайлик

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

САККИЗИНЧИ ЗАРБДОР ҲАФТА ЯКУНЛАНМОҚДА

ИЛҒОРЛАР МАРРАСИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ўтган ҳафта иш якунлари ҳақида партия ташкилоти секретари К. П. Тишина шундай ҳикоя қилади.

— Ҳар бир цех ва қўпгина участкаларда қуйидаги шиорлар кўзга ташланади: «Беш йилликка — зарбдор якун!», «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик!». Коллективимиз съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб юксак мажбурият қабул қилди: ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йили планига қўшимча равишда 850 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бундай юксак маррани эгаллаш ҳар бир ишчининг баракали меҳнатига боғлиқдир. Съезд олди мусобақасида шу ҳафтада ишлаб чиқариш ветерани коммунист У. А. Долимов бошчилик қилаётган нотўқима материаллар участкасининг коллективи катта ютуқларга эришди. Ҳафтанинг ҳар бир кунида бу участкадан нетеъмолчи корхонага келаси йил ҳисобидан маҳсулот жўнатилди.

Участка коллективи бирлашмада биринчи бўлиб етти ой муқаддам беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Иккинчи сентябрь куни ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда асосий маҳсулотлар тайёрлаш бўйича йиллик планни бажарди, партия анжумани бошланишига 250 минг метрдан кўпроқ ватин ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Зарбдор ҳафтада 60 тоннадан зиёд трикотаж полотно тайёрлаб, истеъмолчиларга юборган бўяш цехининг коллективи ҳам баракали меҳнат қилди, маҳсулотнинг 90 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Қўпстанокка хизмат қилаётган Т. Мелева, С. Ягудина, Ш. Холмуҳамедова, А. Гладкова каби беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажарган илғорлар айниқса унумли меҳнат қилдилар. Бугунги кунда улар 1986 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

«Малика» коллективи Улуғ Октябрнинг 63 йиллик байрамини меҳнат совғалари билан кутиб олмоқда. Йил бошидан буён планга қўшимча равишда етти юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

САНОАТ ХОДИМЛАРИ! ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАДИГАН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИНГИЗ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИНИ ОШИРИНГИЗ, СИФАТИНИ ЯХШИЛАНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

60 ХОНАДОН УЧУН

БУГУН

Пойтахтимизнинг Юнусобод СВ—1 массивида янги беш қаватли 60 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Уни Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг «Жилстрой» трестига қарашли В. Чунихин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси қурди. Янги истиқомат масканига мазкур трестнинг пардозлаш бригадалари сайқал беришди.

М. ФЕЛЬДМАН.

Кўркам бинолар

Пойтахтимизнинг янгидан бунёд этилаётган «Марказ—17» кварталида ҳамшаҳарларимиз учун ҳар жиҳатдан қулай турар жой бинолари қўлдан қурилмоқда. Бу ерда қад ростлаётган кўпчилик турар жой бинолари Уй-жой қурилиши трестига қарашли «Ташросстрой» бошқармасининг Р. Солиҳов бошлиқ бригадаси қурувчилари томонидан бунёд этиляпти.

Бригада коллективи асосан тўрт қаватли бинолар қурилишини тезкорлик билан олиб бориш бўйича бой тажриба тўплаган. Шунинг учун ҳам улар қайси объектда иш бошламасин уни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилишади. Бригада турар жой биноларининг пойдевор қисми қурилишларини оқилона ташкил этиш бўйича ҳам бошқармада илғор коллективлардан саналади. Ҳозирга қадар 16 кишилик бунёдкорлар коллективи янги микрорайонда 40, 56, 72, шунингдек 172 квартирали турар жой биноларининг пойдевор қисмини тезкорлик билан қуриб, монтажчиларга иш фронти яратиб бердилар.

Беш йиллик топшириқларини шу йилнинг апрель ойида уддалаган коллектив айни кунларда микрорайондаги биноларни юксак сифатли қилиб қуриш билан бирга тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор беришяпти. Коллектив ўтган 8 ойда икки тонна металл тежаб қолди. Улар йилнинг охирига қадар яна бир тонна металл тежаш, шунингдек, кўпгина қурилиш материалларидан ҳам иқтисод қилишга аҳд қилишган.

А. ФАТТОҲОВ.

ОБОДОНЛАШТИРИШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Куйбишев райони бугунги кунда шаҳримизнинг энг кўркамзор ва обод районларидан ҳисобланади. Бунда кўчаларни, майдонларни, турар жой массивларини ободонлаштиришда фаол иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар коллективларининг хизмати оз эмас. Мана, бу йилги куз ойларида ҳам район меҳнаткашлари оммавий ҳашарларга аҳиллик билан чиқишмоқда.

Район партия-хўжалик активининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ойлик давомида бажарилган ишлар, ҳар бир коллектив олдида турган вазифалар ҳақида амалий, принципиал суҳбат бўлиб ўтди.

Ойлик бошлангандан бери кўпгина ишлар бажарилди. Ободонлаштириш ишларида «Средазкабель» бирлашмаси, 8-автобаза, 2521-автоколонна ишчи ва хизматчилари, мактаб ўқувчилари фаол иштирок этишяпти. Улар иш куни ёки дарс тугаганидан сўнг, шанба ва якшанба кунлари ўзларига бириктирилган участкаларни ободонлаштириш учун ҳашарларга чиқишяпти. Район ижроия комитетининг раиси А. С. Расулов ўз докладида шу ҳақда кўплаб мисолларни келтирди.

Ҳалқа йўлга туташ территорияни ободонлаштириш бўйича талайгина ишлар бажарилган. Бу ерда милиция олий мактаби курсантлари, 23-қурилиш трести, 2-нон заводи, «Узтрансгаз т с т в о», «НИИСтромпроект» коллективлари айниқса яхши меҳнат қилишди. Пушкин, Ҳусанбоев кўчаларида, Луначарский шоссесидаги, Горький проспектидаги турар жой ва маъмурий биноларнинг қиёфаси бир мунча кўркамлашди.

Буларнинг ҳаммаси Куйбишев районининг меҳнаткашлари ободонлаштириш ва шаҳар санитария ҳолатини яхшилаш бўйича ойлик ўтказиш ташаббуси билан чиққан Сергели ва Фрунзе районлари коллективларининг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаганликларидан а н далолат беради.

Актив йиғилишида сўзга чиққан 6-таксомотор паркининг директори Ҳ. Мирақмедов, ўсимлик моддалари химияси институти партия ташкилотининг секретари профессор А. Умаров, 148-мактаб директори С. Шамсутдинов, район ички ишлар бўлими бошлиғи Б. Қосимхўжаев ўз коллективларининг ободонлаштириш ишларида қандай иштирок этаётганликлари ҳақида гапирдилар, ойлик давомида ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталдилар.

Бажариладиган ишлар оз эмас. Метрополитен станциялари атрофини ободонлаштириш, 1 Май кўчасидан трактор заводига қадар экинлар суғориладиган водопроводни ўтказиш, суғориш шоҳобчаларини тозалаш, 70 мингдан зиёд дарахт ва бута-лар ўтказиш, 4 гектар майдонда гулзорлар ва хиёбонлар ташкил этиш лозим. Бунинг учун кузнинг ҳаво очиқ келган ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш зарур. Ана шу бажарилаётган ишларда фаол иштирок этиш район меҳнаткашларининг бурчидир.

Йиғилиш қатнашчилари шу соҳадаги мавжуд камчиликларни очиб ташладилар, кўчаларда, майдонларда, турар жой массивларида озодалик ва тартиб ўрнатишга қаратилган конкрет тадбирларни белгиладилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон КП Куйбишев район комитетининг биринчи секретари Б. К. Алиев сўзга чиқди.

ЭРТАГА — ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-нон заводи коллективи анъанавий байрам — озиқ-овқат саноати ходимлари кунини меҳнат соҳасида катта ютуқлар билан нишонламоқда. Корхона меҳнат аҳли суткасига шаҳримиз аҳолисига пландаги 68 ўрнига 90—100 тонна нон маҳсулотларини етказиб бермоқда.

СУРАТДА: смена мастери М. С. Шишкина бош бўлган илғор бригада ишчилари.

М. Нуриддинов фотоси.

ГУЛЧЕҲРАНИНГ ТАШАББУСИ

«Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективи ўртасида КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтани биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Гулчеҳра Комилбекова бошлаб берди.

Партия анжумани шарафига бошланган социалистик мусобақанинг квартал якунига кўра, комсомол аъзоси Г. Комилбекованинг конфет ўраш агрегати ёнида Қизил вимпель пайдо бўлди. Унинг ишлаб чиқариш табелида кундалик иш нормасини 140—150 процентдан адо этганлиги қайд қилинди. Гулчеҳранинг ажойиб ташаббусига биринчи бўлиб шаҳар Совети депутатлари Мария Лапина, Лола Мирзаева ва бошқалар қўшилдилар. Бугунги кунда улар графикдан ўзган ҳолда ишламоқдалар.

Халқ депутатларининг умумли меҳнатлари корхона коллективига ибрат бўлмоқда. Уларнинг иш тажрибалари янги ишга келган ёшларга ўргатилмоқда. Ўнинчи беш йиллик бошидан буён мураббийлар, жумладан, халқ депутатлари 600 га яқин ёш ишчиларга касб ўргатдилар.

Район Советлари сессияси

Кеча санъат саройининг кичик залида халқ депутатлари XVII чақириқ Октябрь район Советининг IV сессияси бўлиб ўтди. Унда район хўжалигининг 1980 — 81 йиллар кузги-қишки мавсумда ишлашга тайёргарлиги тўғрисида район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю. С. Силантьев доклад қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Халқ соғлиғини сақлаш ишларини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори асосида районда халқ соғлиғини сақлаш ишларининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. М. Ҳилолов доклад қилди.

* * *

Халқ депутатлари Чилонзор район Советининг кеча бўлиб ўтган сессиясида КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ҳамда қонун бузишликка қарши курашни кучайтириш ишларини яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда район ички ишлар бўлимининг фаолияти тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Т. Ж. Умаров доклад қилди.

Депутатлар район Советидаги транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссия фаолияти ҳақида шу комиссия раиси ўринбосари Х. Ниёзматовнинг, шунингдек «КПСС XXV съезди қарорлари асосида район аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тўғрисида» район Советининг VIII сессиясида қабул қилинган қарорнинг бажарилиши тўғрисида район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Х. Ю. Юнусов берган ахборотларни тингладилар.

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

17 ОКТЯБРЬ ЭРТАЛАБГАЧА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 5.274.803 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН, 274.680 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

МАВСУМ БОШИДАН БУЁН МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА 3.085.122 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 106,719 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

ЎТГАН КУНИ ПАХТАЗОРЛАРДАН 70.847 ТОННА ДУРДОНА ИИҒИШТИРИБ ОЛИНДИ.

Андижон областининг Бўз райони, Автоном республиканинг Нукус райони, Сурхондарё областининг Ленин йўли райони, Самарқанд областининг Хатирчи райони, Қашқадарё областининг Қарши райони, Тошкент областининг Янгийўл райони заршунослари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Кунлик ўсишда Наманган, Хоразм, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон автоном республикаси пахтакорлари пешқадамлик қилишмоқда.

Пахта тайёрлаш планини 17 октябрга қадар Тошкент области 106,54, Бухоро области 105,35, Қашқадарё области 101,55, Сурхондарё области 98,12, Жиззах области 96,91, Самарқанд области 94,00, Сирдарё области 93,68, Хоразм области 87,35, Фарғона области 84,85, ҚҚАССР 84,53, Андижон области 80,79, Наманган области 75,32 процент бажардилар.

РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЎТГАН КУНИ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ 1,22 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ПЛАН 90,94 ПРОЦЕНТ АДО ЭТИЛДИ.

«НИТОЧКА» КАФЕСИ ОЧИЛДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатига кадрлар тайёрлаб берадиган 85-ҳунар техника билим юртида янги ўқув йили бошланганидан бери кўп нарса ўзгарди. Биноларнинг ички қисмини безашга, самарали ўқув учун лозим бўлган шарт-шароитларни яратишга кўпроқ эътибор берила бошлади.

Яқинда тантанали суратда «Ниточка» янги кафеси очилди. Ремонт қилинган бинога чиройли мебеллар, замонавий ускуналар қўйилган. Деворлар безалган, тўлар, дераза лардаги пардалар кафени шинам қилиб қўрсатади. Бу ерда ўқувчилар, мастерлар ва ўқитувчилар мазали тушлик қилишдан ташқари, бир стакан кофе, сутли коктейл ичишлари, пирожное ейишлари, дўстлар билан гурунг қилишлари мумкин.

Кафени ташкил этувчиларнинг фикрига қараганда, бу ерда ёшлар кечалари, «Огонёк»лар, ажойиб кишилар билан учрашувлар ўтказиш мумкин.

Тошкентнинг якшанба куни

● ДАМ ОЛИШ КУНИ МАРШРУТЛАРИ БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАММА ЕРИДАН

Куз фаслида Ўзбекистон пойтахти янада кўркамлашиб кетади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг турли бурчакларидан гўзал Тошкентимиз билан яқиндан танишиш мақсадида жуда кўплаб туристлар шаҳримизга ташриф буюришади.

Ҳозир шаҳримизда Клайпеда, Киев, Шауляй, Таллин, Ленинград, Сиктивкар, Барнаул, Рига ва кўплаб шаҳарлардан келган саноат корхоналарининг пешқадамлари, деҳқонлар меҳмон бўлиб туришибди. 600 киши меҳнатда эришган улкан ютуқлари учун ана шундай сафарга бориш ҳуқуқини қўлга киритди.

Улар Ўзбекистон пойтахти билан яқиндан танишиб, «Тошкент театрлари» ва «Тошкентнинг архитектура ёдгорликлари» бўйлаб экскурсияларда бўлишади. Шундан сўнг туристлар Бухоро ва Самарқандга сафар қилиб, қўхна шаҳарларнинг тарихий ёдгорликлари билан танишишади.

● ПОЙТАХТИМИЗ МАГАЗИНЛАРИДА

МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

Чилонзор массивидаги 23-кварталга жойлашган «Башкирия» магазинига ташриф буюрган ҳаридорлар ўзларига манзур бўлган ширинликларни танлаб олишлари мумкин. Лекин ана шу ширинликларнинг тайёрлашда қанчадан-қанча маҳорат талаб қилинишини ҳамма ҳам билмаса керак.

Қандолатчилардан Л. Картюшова, М. Попова, Г. Сосниналар ҳамиша юқори сифатли маҳсулот тайёрлашади. Бу илғорлар ўзларининг анъанавий байрамлари — озиқ-овқат саноати ходимлари куни арафасида беш йиллик план топшириғини бажаришди.

Булка-кондитер комбинати коллективи янгидан-янги ширинликларни ишлаб чиқармоқда. Ҳозир шаҳримиздаги магазинларга ҳар куни 9 тоннадан ортиқ ширинликлар юборилмоқда. Шуни айтиш керакки ҳамшаҳарларимиз озиқ-овқат магазинларидан ҳар хил ширинликларни буюртиришлари мумкин. Бугунги кунда комбинатнинг «Олтин куз», «Дилором», «Пахта» каби ширинликлари барчага манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори қандолатчи Любовь Картюшова (чапда) ва Мария Попова.

Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ).

● ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

ТАКСИ БУЮРТМА БИЛАН БОРАДИ

Тошкентликлар поездга ёки самолётга шошилишаётганда, кино ёки театрга боришмоқчи бўлишганда, меҳмондорчиликка ёки бошқа бирон иш билан бирор ерга боришмоқчи бўлишса буюртма орқали такси чақиришади.

Эртага буюртмалар қабул қилиш бўлимида Раиса Константиновна Галиванова сменаси навбатчилик қилади. Унинг ёрдамчилари — операторлар З. Новинская ва Т. Лихачевалар зиммаларидаги топшириқни аъло даражада бажаришади. Якшанба кунлари мингдан ортиқ буюртма қабул қилинади. Бу ишларни бажаришда замонавий алоқа қўл келмоқда.

— Бугунги кунда 250 та такси машиналарига рациялар ўрнатилган,— дейди «Главташпассавтотранс» бошқармасининг таксилар хизмати кўрсатиш бўлим бошлиғи Г. Е. Лившин.— Улар ҳамшаҳарларимиз буюртмасини бажаришга ҳамиша тайёр туришади. Фақат шу йилнинг тўққиз ойи ичида хизмат кўрсатиш бўлими 210 минг буюртмани бажарди. Ҳамшаҳарларимиз эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида алоқа хизмати ишини янада такомиллаштирмоқдамиз. Машиналарга замонавий рациялар ўрнатилмоқда, ҳамшаҳарларимиз ҳадемай телефоннинг ута рақамини териш билан такси буюртиришлари мумкин бўлади.

Тошкентда польшалик артистларнинг «Муз устида рақс» программаси ниҳоясига етмоқда. «Юбилейний» марказий спорт саройида бўлиб ўтган бу гастролларни минглаб тошкентликлар кўришди.

СУРАТДА: польшалик артистлар ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда.

С. Маҳкамов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ 16 октябрь куни Кремлда Срвет— Афғонистон музокаралари бўлиб ўтди.

Сидқидиллик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида Совет — Афғонистон муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Бу муносабатлар дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1978 йилги Шартнома асосида муваффақиятли ва самарали ривожланиб бораётганлигидан астойдил мамнуният изҳор қилинди.

✦ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 16 октябрь куни Кремлда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Б. Кармал билан суҳбатлашди.

Халқаро мавзуда суҳбат

Революциянинг шахдам одими

Афғонистон Демократик Республикасидаги турмуш тобора нормал изга тушиб бораётганини, меҳнат маромига салмоқли бўлиб қолаётганлигини воқеалар кўрсатиб турибди. Апрель революцияси дадил олға босиб, тобора кўп тарафдорлар ва ҳимоячилар унинг тарафига ўтмоқда. Афғонистон Халқ Демократик партиясининг аъзолари муттасил кўпаймоқда, унинг ташкилий ва мафкуравий бирлиги мустаҳкамланмоқда. Мавжуд жамоат ташкилотлари ривожланмоқда ва янгилари тузилмоқда, ҳукуматни қўллаб-қувватловчи ватанпарвар кучларнинг халқ-демократик фронти вужудга келмоқда.

Кейинги бир ой ичида Афғонистонда бир неча ижодий союз, шу жумладан Журналистлар союзи билан Ёзувчилар союзи тузилди. Бу — меҳнаткаш халқ ва зиёлиларнинг маънавий кучларини юксалиб бораётганидан далолат беради. Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал Журналистлар союзининг таъсис съездида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: республикада аҳоли бирча табақаларининг АХДП теварагида ғоявий-сиёсий жипслашув жараёни чуқурлашмоқда, революцион ҳокимиятнинг социал негизи кенгаймоқда, туб илғор ўзгаришлар программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Революциянинг тўла-тўкис ва узил-кесил ғалабаси учун революцион режим душманларининг ғоявий соҳадаги қаршилигини синдириш керак, деб таъкидлади у.

АДРнинг кундалик турмушидаги кўпдан-кўп фактлар бу вазифа муваффақиятли ҳал этилаётганлигидан далолат беради. Илгари душманларнинг ташвиқотига алданиб, ватанидан кетиб қолган тобора кўп афғонлар ҳозир ўз юртига қайтиб келмоқда. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Бадғиз вилоятининг бир ўзига яқинда 1500 дан кўпроқ оила қайтиб келди. Шуниси диққатга сазовордирки, ўз хатосини тушуниб, АДРга қайтиб келган кишилар революцион тузумнинг фаол ҳимоячилари бўлиб қолмоқдалар, бутун кучларини меҳнаткаш халқ ормуз-умидларига мос бўлиб тушадиган апрель революцияси мақсадларини амалга оширишга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

Аммо халқ ҳокимиятининг мустаҳкамланиши, меҳнаткашларнинг АХДП ва АДР ҳукумати теварагига жипслашиши аксилинқилобчи кучларнинг дидига ёқмаяпти, чунки бу кучлар ўзларининг мағлуб бўлганликларини ва революцион ўзгаришлар муқаррарлигини тан олишни истамаяптилар. Империалист доиралар боқувидаги аксилинқилобчилар батамом яккаланиб қолганларидан кейин пистирмадан туриб ҳаракат қиладиган жиноятчи тўдаларга узил-кесил айланиб кетдилар. Ҳукуматнинг мунтазам қисмларига қаршилик қилишга кучи етмаган бандитлар ҳимоясиз қишлоқларга босқин қилмоқдалар, мактаблар, магазинлар, уйларга ўт қўймоқдалар, уларнинг изига юрмаган деҳқонларга жабр-зулм қилмоқдалар.

Уларнинг изига юрмаётганлар эса тобора кўпаймоқда. Бутун мамлакатда ўз-ўзини мудофаа қилувчи кўнгилли халқ отрядлари тузилмоқда. Ҳирот, Жузжон ва бошқа вилоятларда безорилик қилиб келган аксилинқилобчиларнинг катта-катта тўдаларини маҳаллий аҳоли ўз кучи билан қуролсизлантириб, ҳибсга олди. Мозори Шарифдаги АДРда энг катта азотли ўғитлар заводининг ишчилари бир неча кун илгари кўнгилли отряд тузишди. Бошқа завод ва фабрикалардаги минглаб ўртоқлари каби улар ҳам иш кунидан кейин қўлларига қурол олиб, қўпорувчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик ва халқ мулкини ҳимоя қилиш учун корхонани қўриқламоқда. Бу курашда афғон ёшлари айниқса фаол қатнашмоқдалар. Мамлакатнинг турли вилоятларида аҳолининг иштироки билан безори тўдаларни тугатиш операцияларини муваффақиятли ўтказилмоқда.

Афғон халқи империалистларнинг ташқаридан аралашувига қарши курашда, янги турмуш қуришда дўст Совет Иттифоқининг ёрдами ва ҳамкорлигига таянмоқда. Апрель революцияси ғалаба қозонгач ва айниқса у ўз ривожининг янги босқичига кирганидан кейин бу дўстлик янада юқори поғонага кўтарилди, сифат жиҳатидан янги характер касб этди, деди Бабрак Кармал ТАСС мухбири билан суҳбатда. Чинакам қардошлик руҳи бу дўстликнинг ўзига хос хусусиятидир, бинобарин унга ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди.

К. ДУДАРЕВ, (ТАСС).

БУГУН ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора қизимоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ҳар бир иш жойидаги мавжуд резервларни ишга солмоқдалар. Корхона кўпстаночи тўқувчиларининг меҳнатдаги намунаси, уларнинг юқори зичликдаги зонада техникага хизмат кўрсатиб, ойдан-ойга пландан ташқари кўплаб маҳсулот топшираётганликлари ҳаммани ҳайратда қолдирмоқда.

Ҳамон олдинда мусобақанинг ягона ғолиби деб тан олинган Нина Васильевна Ершова боряпти. Донгдор тўқувчи беш йилликда икки беш йиллик нормани адо этиб, ўзининг ишлаб чиқариш нормасини 105 процентлигича сақлаб келмоқда. Шунингдек у тармоқ нормадаги 24 ўрнига 48 та станокка хизмат кўрсатиб келяпти. Унинг ҳар бир иш куни икки иш кунига тенгдир. Ҳозир бу тўқувчининг ҳисобида 3311276 метр миткаль, «ягодка» ва дона бор. Бугунги кунда у 1986 йилнинг март ойи ҳисобига газлама топширяпти. Уларнинг ҳаммасини биринчи сортга топширишга эришмоқда.

Вера Ивановна Солдатова ўзининг иш суръати билан Нина Васильевнага етиб олиши мумкин эди. Бироқ, касаллик унга халақит берди. Эндиликда у ўтган вақтни бой бермаслик учун 48 станокка хизмат кўрсатиб, ўзининг ишлаб чиқариш нормасини 116 процент адо этиб, барча маҳсулотни биринчи сортга топширмоқда. Вера Ивановна 1985 йилнинг февраль календари бўйича меҳнат қиляпти.

Илғор тўқувчилар бутун коллектив каби хом ашё етказиб беришдаги узилишлар бўлган бир пайтда кўпгина қийинчиликларга тўғри келди. Ҳозирда барча тўқув станоклари хом ашё билан таъминланган бўлса-да, кўпгина калаваларда нуқсонлар учраяпти. Ипларнинг узилиши эса ҳали малакасиз бўлган ёш йигирувчиларнинг станокларида рўй бермоқда. Бу эса ишга жиддий халақит қиляпти. Икки кўп станокчи М. Асеева билан К. Аникина ўтган ойда мана шунинг учун ҳам ўз кўрсаткичларининг пасайиб кетишига йўл қўйдилар. Лекин шунга қарамай М. Асеева саккиз йиллик топшириқни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. К. Аникина эса тез кунларда етти йиллик топшириқни бажаради.

Н. Ланкина ҳам планларни муваффақиятли уддалаб келяпти. У сатин ишлаб чиқарувчи 60 станокка (типовой норма 33 станок) хизмат кўрсатмоқда. Ўтган ойда унинг ишлаб чиқариш кўрсаткичи 106,7 процентни ташкил этди. У беш йиллик бошидан 1258548 метр сатин, шу жумладан пландан ташқари ярим миллион метрдан зиёд сатин топширди. Маҳсулотнинг қарийб ҳаммаси биринчи сортга ўтказилди.

АТПР—100 маркали моксиз станокдан 36 тасига (типовой норма 18 та) хизмат кўрсатаётган Каромат Ёқуббоева янги техника участкасидаги барча ишчилардан ўзиб кетди. У ўзининг ишда бир йиллик танаффус қилишига қарамай, шахсий беш йиллик топширигини бажаришга муваффақ бўлди ва ҳозирги кунда 1982 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Кўпстаночиларнинг беш йилликнинг ўтган тўрт йилу саккиз ойи мобайнидаги социалистик мусобақаси якунлари ана шундай.

«Тошкент оқшоми» — «Тўқимачилар овози» газеталарининг коллектив мухбири.

• *Беш йилликка—зарбдор якун*

СЪЕЗДДАН-СЪЕЗДГАЧА

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИБ

Бугунги кунда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида умум ишлаб чиқарувчилардан икки ярим минг киши ёки 10 ишчидан 7 киши коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни оқлаб ишламоқда. Ўнинчи беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган коллектив катта ютуқларни қўлга киритди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўнинчи беш йилликка белгиланган план муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисидаги ғалаба рапортига имзо чекилди. Ўз имкониятларини қайта кўриб чиққан илғор коллектив беш йиллик охиригача савдо ташкилотларига планга қўшимча қарийб 14 миллион сўмлик маҳсулот юбориш ва меҳнат ютуқларини КПСС XXVI съездига армуғон этишга қарор қилди. Маҳсулот реализацияси ҳажмининг ўсиш суръати беш йилликда кўзда тутилганига нисбатан 38 процентга кўпайди ёки 1975 йилдагига нисбатан 55 процент ортди. Бу — Ўнинчи беш йиллик Директиваларида белгиланганидан анча ортиқдир.

БУГУН

— Коллектив меҳнатда бундай ютуқларга қандай қилиб эришди? КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан илғор коллектив қандай марраларни белгилади? Мухбиримизнинг ушбу саволларига бирлашма партия комитетининг секретари Ш. АКБАРОВ қуйидагича жавоб берди:

— КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори бирлашма меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда коллективимиз ўнинчи беш йиллик планларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан икки ярим ой илгари ошириб бажаришга муваффақ бўлди. Зарбдор меҳнат вахтаси давом этмоқда...

Меҳнаткашлар ишлаб чиқариш йиғилишларида ўзларининг ички имкониятларини қайта кўриб чиқдилар ва қўшимча маҳсулот реализация қилиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бугунги кунда йиллик планга қўшимча реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми 1,5 миллион сўмликдан ортиб кетди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришни қайта техникавий қуроллантириш, энг замонавий ускуналар ва кичик механизация воситаларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотга сарфланадиган вақтни қисқартириш, ускуналарга хизмат кўрсатишни нормадан ошириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш — коллективга меҳнат унумдорлигини оширишнинг юксак суръат даражасига эришиш имконини берди. Бу кўрсаткич 1980 йилда 1975 йилдагига нисбатан 124 процент ўсди.

Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Бирлашма коллективи республикадаги корхоналар ўртасида биринчи бўлиб сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий этди. Бу системанинг жорий этилиши ишлаб чиқаришнинг ва бошқаришнинг ҳамма звеноларида — хом ашё ва материаллар қабул қилишдан тортиб, моделлар билан таъминлаш, маҳсулотни реализация қилиш ва савдо ташкилотлари билан алоқани яхшилашгача бўлган маҳсулот сифатига тегишли масалаларни тубдан қайта қараб чиқиш имконини берди.

Топширилган ишга масъулиятни ошириш, стандартлар ҳамда техника шароитларига қатъий риоя қилиш, олий категорияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун олиб борилган кураш маҳсулот сифатини яхшилашнинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди. Бу борада коллективнинг қунт билан иш олиб борганлиги ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда давлат Сифат белгиси билан тайёрланган маҳсулотлар салмоғининг ортиб бораётганлигида ўз аксини топди. 1975 йилда сифат белгиси олган маҳсулот умумий маҳсулот ҳажмининг 1,3 процентини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда 30 процентга етди ёки уч буюмнинг бири давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Шуниси қувончлики, тикув буюмлари хилларини кенгайтириш, янги моделларни жорий этиш ва ўзлаштириш туфайли бирлашма маҳсулотига келадиган рекламациялар сони кескин камайди.

Коллектив эришган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолмайди. Доимо янги имкониятларни излайди, мамлакатдаги илғор корхоналар тажрибасини ўрганади, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш масалаларини ижодий ҳал этади. Шу туфайли бугунги кунда бирлашма янги техника ва технологияни, сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий этишда, ишлаб чиқариш эстетикаси ва маданияти, илғор тажрибалар асосида ишни ташкил этишнинг база корхонаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашма ўнинчи беш йиллик бошидан буён «Ишлаб чиқариш маданияти юксак корхона» деган шарафли номни оқлаб келмоқда. Ўтган йили хотин-қизлар меҳнатини, маишати ва дам олишини ташкил этиш бўйича Бутуниттифоқ кўригида эришган ютуқлари учун ВЦСПСнинг Дипломи билан мукофотланди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақада 6-цех, бир неча бригада коллективлари В. И. Ленин Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзаро социалистик мусобақага бирлашма маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари доимо катта эътибор бериб келишмоқда, унинг формаларини такомиллаштирмоқда, амалийлигига ва барча ишчи-хизматчиларнинг қатнашувларига эришмоқда.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун мусобақа айниқса кенг қулоч ёйган. «Коммунистик меҳнат коллективи» деган шарафли номни олиш учун тўққизта асосий цех, ўнта ёрдамчи цех, 60 та ишлаб чиқариш бригадаси, 13 та хизмат бўлими қатнашмоқда. Булардаги кишилар сони 2 минг 700 дан ортиқдир. Жумладан 3, 4, 6, 7-цех, 42 ишлаб чиқариш бригадаси ана шундай шарафли номга сазовордир.

Бирлашмада илғор ишчиларнинг меҳнатлари муносиб тақдирланади, уларнинг коллектив ўртасидаги обрў-эътиборлари ортиб бормоқда. Социалистик мусобақада яхши натижаларга эришган ишчилар, инженер-техник ходимлар «Социалистик мусобақа ғолиби» фахрли нишони билан тақдирланадилар. Беш йиллик даврида шундай нишон билан 1086 киши, «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан 331 киши мукофотланди.

Биз ишлаб чиқариш илғорлари номларини бирма-бир санаб ўта олмасак-да, ўнлар ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажарган машъаллар номини биринчилар қатори тилга олиш керак. А. Ким —7-цех чевари, икки беш йилликни шу йил март ойида тамомлаб, ҳозирги кунда 1987 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. У социалистик мусобақада юксак натижаларга эришганлиги учун III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланди. Ўнлар ташаббусининг издошларидан яна бири—бичиш цехининг бичувчиси П. Новосельцева икки беш йиллик топшириғини июль ойида бажарди. Ҳозир эса 1986 йил ҳисобига ишлаяпти. У меҳнатда эришган ютуқлари эвазига «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан тақдирланди. Г. Закритная эса, 1985 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Меҳнатда эришган ютуқлари Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди...

Бирлашманинг ана шундай илғорлари меҳнатга ижодий ва коммунистик муносабатда бўлаётганликлари туфайли ютуқлар кун сайин ортиб боряпти.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

МУСОБАҚАДОШ ОПА–СИНГИЛ

Пардозлаш фабрикасининг оқартув цехидаги «БСБ-2» газлама қуритиш барабани машинасида Назира Саъдуллаева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилмоқда. Назира Саъдуллаева асли қадимий ва гўзал Бухородан. 1978 йили ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлагандан сўнг у ҳеч иккиланмай, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатига, опаси Нурия Саъдуллаева ишлаётган пардозлаш фабрикасига ишга келди. Цех коллективи Назирани ва у каби мактаб остонасидан ишга келган ёшларни қучоқ очиб кутиб олди. Назира аввал «БСБ-2» машинасида тахловчи, кейинчалик браковчи бўлиб ишлай бошлади. Билмаганларини опаси Нурия ёрдамида ўрганди. 1980 йилдан бошлаб «БСБ-2» барабани машинисти бўлиб ишлай бошлади. 1979 йил Н. Саъдуллаевани оқартув цехи комсомоллари цех комсомол комитети секретари қилиб сайлашди.

Унинг бригадирлик фаолияти 1980 йилдан бошланди. Н. Саъдуллаеванинг бригадаси уч кишидан — унинг ўзи, браковчи, тахловчидан иборат. Бригада кундалик нормаларини 105—110 процент бажаради. Иш участкаси тоза, техника хавфсизлигига қатъий риоя қилинади. Н. Саъдуллаеванинг бригадаси опаси Нурия Саъдуллаеванинг бригадаси билан мусобақадош. Бригаданинг бу йилги социалистик мажбуриятлари катта. «XXVI съезд шарафига — 26 зарбдор меҳнат ҳафтаси» шиори остида меҳнат қилаётган коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган.

Бу йил Н. Саъдуллаева ҳаётида унутилмас йил бўлди. Назира Фрунзе райони меҳнат илғорлари слётида қатнашди ва «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонини олди. 1980 йилнинг июль ойида цех коммунистлари Н. Саъдуллаевани коммунистик партия аъзолигига кандидат қилиб қабул қилишди. Н. Саъдуллаева меҳнат қилиш билан бирга ўз билимларини ҳам оширмоқда. Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетининг 1 курсида сиртдан таълим олмоқда.

Н. Саъдуллаева бир неча марта фабрика дирекцияси томонидан фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

О. МУҲАММАДЖОНОВ,
пардозлаш фабрикаси оқартувчиси.

Шаҳримиздаги подшипниклар ремонти заводи коллективи республикамиз қишлоқ механизаторлари учун кўплаб турли хилдаги подшипник маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу подшипниклар кўпгина комплекс қишлоқ хўжалиги машиналарида муваффақиятли қўлланилаяпти.

СУРАТДА: корхонанинг илғор деталчиси Шуҳрат Эргашев иш устида.

• *Беш йиллик илғорлари*

Олов билан олишиб

Улкан цехда меҳнат авжида. Баланд шифтда баҳайбат кран бинонинг у бошидан бу бошига бориб келаяпти. Мана, кран Абдулла ака Тошпўлатов бошлиқ темирчилар бригадаси меҳнат қилаётган печка олдига яқинлашди. Илгагига тайёр деталлар тўлдирилган каттакон темир қутини илиб олиб, цехнинг нариги бошига равона бўлди...

Печкада кучли ўт ловуллайди, деталларни қизитиб, қиздириб, алвон тусга киритади. Абдулла ака ишчиларга ниманидир ишора қилиб, қўлидаги махсус асбоб билан ўт ичидаги деталлардан бирини олганча шундоққина печка ёнида жойлашган машина саҳнига қўйди. Машина ҳаракатга келди. Деталь тайёр шаклга кирди... Буннинг ҳаммаси дақиқанинг ўндан бир улушида бажарилди, холос. Бу ҳаракат давом этаверди: деталлар пешма-пеш шаклга кириб борар, темирчиларнинг пешанасидан реза-реза тер томчилар, улар иссиқ ҳароратдан кўра юқори тезликдаги ҳаракатдан терга тушаётгандек туюларди.

Нафсиламбирини айтганда ҳам худди шундай, чунки ҳароратдан терлаш одати уларни аллақачон тарк этган ва темирчилар металлдай тобланиб бўлган. Олти кишидан иборат бригада аъзоларининг ҳаммаси ҳам коллектив бошлиғи Абдулла аканинг қўлида тобланган ва чиниққан ҳамда юртимиз фаровонлиги, коллектив шарафи учун меҳнат қилишдек олий туйғу билан нафас олаётган илғор ишчилар эди.

Абдулла ака бундан 41 йил муқаддам, яъни 16 ёшида «Ташсельмаш» заводи қошидаги 14-ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, 10-цехга келганда ер юзида бошланган совуқ урушнинг шамоли унинг қоп-қора булутларини Ватанимиз осмонида ҳам тўплай бошлаган эди...

Вазият кескин ўзгарди. Кечагина қишлоқ хўжалик машиналари учун деталь ясаган қўллар снарядлар ясай бошлади. Ишдан сўнг уй-уйларига тарқаладиган ёшлар, энди цехда қолиб 16 соатлаб ишлайдиган бўлишди. Цехда тунаб қолиб, берилган озгина нонни майда тишлаб, ҳали мускули қотиб улгурмаган қўллари чарчоқдан титраб, уруш анжоми ясаркан Абдулла ўзини жуда тез улғайгандек ҳис қиларди. Нималарга қодир эканлигини англади. Бу эса унга янги куч, янги қувват берди. У темирчилар бригадасига бошлиқ бўлганда ҳам, бригадасига «Коммунистик меҳнат бригадаси» номи берилганда ҳам буларнинг ҳаммасига уруш пайтларида, ҳақиқий ишчи сифатида шаклланаётган даврида характерида пайдо бўлган меҳнатсеварлик, коллектив шон-шарафи ва жамиятимиз фаровонлиги учун меҳнат қилишдек олий хусусият туфайли эришаётганлигини сезарди. Шунинг учун ҳам ўзидан касб сирларини ўрганаётган ёшларга фақатгина ҳунар ўргатиб қолмасдан, уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилиб борди. Ундан касб ўрганган Н. Сатторов, Н. Цёмкин, Т. Соловьев, У Муҳамедов, С. Димитрев каби илғор ишчилар айни пайтда у билан бир бригадада меҳнат қилишмоқда. Улар бирлашган бу кичкина коллектив фақат цехдагина эмас, завод миқёсида ҳам пешқадам коллективлардан саналади. Бригада бошлиғи Абдулла аканинг кўксини эса Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди. Партия ва ҳукуматимиз унга бу фахрий нишонларни унинг узоқ йиллик самарали ва ҳалол меҳнати, ишчилар синфини тарбиялашдек заҳматлари учун берган.

Бундан ташқари, у ишчилар сулоласини яратмоқда. 1969 йилдан буён шу цехда меҳнат қилиб келаётган ўғли Убайдулла Тошпўлатов ҳам отасидан касб ўрганган. У «Шавкатли меҳнати учун» медали кавалеридир. Қизи Тамара Тошпўлатова ҳам мана икки йилдирки, цех илғори бўлиб келмоқда...

Меҳнат ветерани Абдулла Тошпўлатов пахтазорларимизда кезаётган машиналарда ҳиссаси борлигидан, эл-юрт ризқига ризқ қўшаётганлигидан чексиз фахрланади.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
ишчи.

«Компрессор» заводи коллективи ўз зиммаларига олган йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз суратда корхонанинг 3-йиғув-механика цехи илғор йиғувчи-слесарларидан В. Фриде ва Э. Халитовларни кўриб турибсиз. Бу пешқадам ишчилар шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Съезд шарафига

СОФИЯ. Болгариялик машинасозлар мусобақалашмоқдалар. Болгар машинасозларининг кўп минг кишилик армияси Болгария Коммунистик партиясининг XII съездини юксак ишлаб чиқариш натижалари билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Тармоқ ходимлари съездолди социалистик мусобақасида эришилган катта ютуқлар тўғрисида Ватанга рапорт бермоқдалар.

Болгария машинасозлари еттинчи беш йилликда ўз олдиларига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажармоқдалар. Ушбу беш йилликда тармоқни жадал суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган. Машинасозлар республика саноат маҳсулотининг 25 процентдан кўпроғини етказиб бериб, БХР жами экспортининг қарийб ярмини таъминламоқдалар. Машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг тинмай ўсаётганлиги шу беш йилликда ўтган беш йилликдагига қараганда икки баравар кўп машиналар ва турли асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш имконини берди.

ОЛИЙ МАКТАБ ЮБИЛЕЙИ

БЕРЛИН. Б. Лейшнер номли олий иқтисодий мактаб ўзининг 30 йиллик юбилейини нишонламоқда. Олий мактаб ГДР халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаб чиқармоқда. Шу вақт ичида мактабни 37 мингдан ортиқ юқори малакали иқтисодчи инженерлар тамомлаб чиқди. Олий ўқув юртини битирувчилар орасида жаҳондаги 39 мамлакат вакиллари бор. Ўқитувчилар ва студентлар фаол илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Улар 1600 та дарслик ва справочниклар, турли иқтисодий проблемаларга оид 4 мингта мақола нашр этдилар.

Ҳиндистоннинг космик планлари

ДЕҲЛИ. Шу ўн йиллик Ҳиндистон олимлари космик тадқиқотлар соҳасида совет мутахассисларининг ёрдами билан ўтказишни мўлжаллаётган янги катта программалар амалга оширилишининг шоҳиди бўладилар. Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилотининг вакили доктор У. Р. Рао Ҳиндистон фанлар академиясининг ташаббуси билан Ҳайдарободда ўтказилган «фан ва техника—саксонинчи йилларнинг вазифалари» семинарида шуни маълум қилди. У ташкилот лойиҳаларининг амалга оширилиши, мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техник тараққиёти ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, деб таъкидлади.

У. Р. Рао Ҳиндистоннинг етакчи олимлари қатнашган семинарда космик техника соҳасида Совет Иттифоқи билан ҳамкорликка юксак баҳо берди. Совет космодромидан учирилган Ҳиндистоннинг иккинчи сунъий ер йўлдоши «Бхаксара» қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, транспорт, миллий экономиканинг бошқа бир қанча соҳалари учун муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган қимматли илмий маълумот беришда давом этмоқда.

«Бхаксара»дан олинаётган телеметрик ва телевизион аппарат маълумотлари метеорологлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу маълумотлар Ҳинд океанида циклонлар пайдо бўлиш жараёнларини, океан оқимларини, тоғлиқ районлардаги қор қопламини, дарёларнинг сувини ўрганиш ва контрол қилишга, мамлакат экономикасига сезиларли зиён етказувчи офат тўғрисида ўз вақтида огоҳлантиришга имкон беради.

Ҳиндистоннинг биринчи сунъий ер йўлдоши «Ариабата»ни шунингдек «Бхаксара»ни яратиш жараёнида орттирилган тажрибалар туфайли ташкилот мутахассислари вазни 600 килограммгача борадиган янги, янада катта космик аппаратлар яратишга ўта билдилар, деб таъкидлади ҳинд олими. Айни маҳалда шу аппаратларни ер атрофи орбитасига чиқариш учун ўз учирувчи ракеталаримизни яратиш борасидаги ишлар ўтказилмоқда. 1982 йилда кўп мақсадлар учун мўлжалланган алоқа сунъий йўлдошини учириш назарда тутилади, деб хабар қилди У. Р. Рао.

Ҳиндистон ҳукумати космик фазода тинч мақсадларда фойдаланишга муҳим аҳамият бериб шу соҳадаги программани изчиллик билан амалга ошириш ниятида. Бунда у Ҳиндистоннинг тараққиёти, мамлакат олдида турган иқтисодий вазифаларни ҳал этиш манфаатлари йўлида СССР, бошқа мамлакатлар олимлари ва мутахассисларининг тажрибалари ва ёрдамларига суянади.

ВАТАНГА ТУҲФА

БУХАРЕСТ. Социалистик Руминиянинг денгиз флоти Галаца шаҳрида қурилган жами 80 минг тонна ҳажмдаги 8 та янги кема билан бойиди. Маҳаллий кемасозлик заводининг меҳнаткашлари ҳозирги вақтда 55 минг тонна ҳажмдаги қуруқ юк ташийдиган учинчи кемани ва «Полар-11» рефрижератор кемасининг қурилишини ниҳоясига етказмоқдалар.

Республиканинг денгиз савдо флоти шу беш йиллик охирига бориб 200 дан ортиқ кемага эга бўлади. Улар денгиз орқали жами 3,4 миллион тонна юк ташийдилар.

ОБЪЕКТИВДА —ЧЕХОСЛОВАКИЯ.

Карлови Вари-Чехословакиядаги энг оммавий курортлардан биридир. У ўзининг фойдали минерал булоқлари билан бутун Европага машҳур. Утмишда бу ерда фақатгина бой кишилар дам олишар эди. Эндиликда, Карлови Вари меҳнаткашлар курортидир. Кўпчилик кишилар бу ерга пуллик ёки касаба союз томонидан берилган бепул путёвкалар билан дам олишади.

СУРАТДА: Карлови Вари курорти.

ТАСС фотохроникаси.

ДОНЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

УЛАН-БАТОР. Республикадаги энг йирик дончилик хўжаликларидан бири — қуриқдаги «Найрамдал» — «Дўстлик» давлат хўжалиги Селенген аймоғида Совет Иттифоқининг ёрдамида ташкил этилган. Бу давлат хўжалиги составида зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бир бутун ишлаб чиқариш иншоотлари комплекси, обод ва шинам уйлар жойлашган. Хўжалик тўла механизациялаштирилган ва электрлаштирилган бўлиб автотранспорт ҳамда қишлоқ хўжалик машина ускуналари билан таъминланган. Халқ Монголиясида «Найрамдал» давлат хўжалиги совет-монгол дўстлиги ойлиги ўтказилган кунларда фойдаланишга топширилди.

ЗЎРАВОНЛИК ТЎЛҚИНИ

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йорк, Бостон, Сент-Луис, Кливленд ва Американинг бошқа шаҳарларидаги мактабларда ирқчилар зўравонлиги авж олмоқда. Нью-Йорк штатига қарашли Стейтен-Айленд шаҳрининг Нью-Дорп деган жойидаги мактабда чинакам олишув бўлди. Оқ танли ирқчилардан бир гуруҳи оқ танли ва қора танли болаларнинг бирга ўқишига йўл қўймаслик мақсадида мактаб биносини тошбўрон қилдилар, қора танли болалар мактабдан ҳайдаб юборилишини талаб қилдилар.

Мактаб маъмурлари қора танли ўқувчиларни қутурган ирқчилардан бино ертўласига яширишга мажбур бўлдилар. Негр болалари полициячилар ҳамроҳлигида мактабдан автобусларда олиб кетилаётганда ирқчилар уларни тошбўрон қилиб, турли шишалар ва темир чивиқларни улоқтирдилар.

Автобусларнинг ойналари синиб, кўпгина ўқувчилар жароҳатланди. Полициячилар ва соқчилардан ҳам бир неча киши ярадор бўлди. Иғвогарлик ташкилотчилари шу даражада сурбетлик қилдиларки, улар полиция машиналаридан бирига ирқчиларнинг шиорини ёзиб қўйдилар. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг эътироф этишича, Нью-Дорпдаги воқеаларга илгаридан тайёргарлик кўрилган. Бироқ маъмурлар бундай зўравонликнинг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмадилар.

Мактаблардаги бундай воқеалар ошкора ирқчилик кўринишларидан бўлиб, Америка воқелигининг характерли хусусиятларини акс эттиради. Ҳатто маҳаллий маъмурларнинг баъзи вакиллари ҳам буни эътироф этмоқдалар. Хусусан, Бостон шаҳри мэри К. Уайт «Бостон ирқчилар шаҳри», деб ошкора айтди.

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

▲ Чораси топилмаган иш учун қайғуриб ўтиришдан маъно йўқдир.

▲ Хасислик ҳам касаллик бўлиб, баъзи бир одамлар бу касалликка мубталодирлар. Ҳар кун расволикга тушиб турсалар ҳам, ундан қутулишни истамайдилар, чунки хасис, тор қўлли одам пул сарф этишдан эмас, уни йиғишдан ва кўпайтиришдан лаззатланади.

▲ Эй йигит, агар сенга иззат, шараф, обрў ва улуғ мартабага эришиш керак бўлса, хуш феълатворли бўл, ҳеч кимга ёмонлик истама, яхшилик қил.

▲ Эркакларга ҳақорат кўзи билан эмас, эътибор кўзи билан, хотин-қизларга шафқат ва марҳамат кўзи билан қара.

▲ Алишер Навоий айтади:

Буюклик келди ҳиммат дан
нишона,
Ки ҳиммат сизни паст этди замона.
Не қушки бўлса ҳиммат дан қаноти
Эмас паст ошёнга илтифоти.

▲ Шайх Саъдий айтади:

Ҳикоят: — Эшитишимга кўра, бир диёнатли, ақлли одамни бир фосиқ маст одам ҳақорат қилди ва унинг ёқасидан тортиб, бошига бир мушт урди. Диёнатли одам эса фосиқнинг ҳақорати ва муштига чидади, сабр қилди, унга қарши бирор сўз айтмади.

Фосиқнинг адабсизлигини кўриб турган бир одам ақлли, диёнатли одамга:

— Сизда мардлик, эркаклик туйғуси йўқми? У нопок одам ҳақорат қилиб муштласа ҳам индамайсиз, жазосини берсангиз бўлмайдими? Бундай ярамасларга яхшилигинг жазо бериш керак, бўш келиш тўғри эмас, — деганди, диёнатли одам унга:

— Биродар, мени ҳақорат қилиб, муштлаган одам ичкилик ичиб жуда маст бўлган одам эди. Жоҳиллик, мастлик бир одамда бўлса, у одам ким тўғри келса унга ҳужум қилади, арслон, қоплондан ҳам қўрқмайди. Ақлли ва ҳушёр одамнинг жоҳил, маст одам билан олишиб туриши муносиб эмас. Агар мен ҳам уни ҳақорат қилиб, муштлаган бўлсайдим, мен билан у жоҳил маст орасида ҳеч фарқ қолмасди. Маст, жоҳил одам билан олишмай, сукут этиш яхшироқ дир, — деб жавоб берди.

Ҳикоят: — Жуда кўп мол-дунёга эга бўлган бир бахил, хасис бой бировга бирор нарса бериш, ҳайр-эҳсон қилиш у ёқда турсин, ўзи ҳам тузуккина еб-ичмасди ва оиласини тангликда сақларди. Кеча-кундуз дарду фикри бойлик орттиришда эди. Олтин, кумуш пулларини бир ерда яширб сақларди. Лекин унинг ўғли пул яширилган ўрнини билиб олганди. Кунлардан бир кун отасининг яширб қўйган пулларининг ҳаммасини олиб, ўрнига майда тошларни қўйди.

Хасис бой пуллари ўрнида майда тошлар ётганини кўрди ва нолаи-гирён ҳолда қолди. Ўғли эса пулларни сарф эта бошлади, еди, ичди, айш-ишратга машғул бўлди. оила аъзоларини ҳам маиший тантликдан кутқазди.

Хасис бой пул ҳасратида куйиб-ёниб, кечалари ухлолмасдан оҳ тортарди. Бир кун ўғли келиб қула-қула айтди:

— Отажон, пул учун нега бунча куйиб, қайғу-алам ўтида ёнасиз? Пул кетса кетсин, аммо жон кетмасин. Пул яхши еб-ичиш, роҳатда умр кечириш ва хайр-эҳсон килиш учун керакдур, емай-ичмай бир ерга яшириб қўйиш учун эмасдир. Сақланиб турши вазифасини майда тошлар ҳам бажара оладилар.

Қитъа:

Югурма пулни кўп йиғмоққа йил ой,
Бўлай деб бой бисотинг бермагил бой.
Қолибсан танга деб аҳволи тангга,
Машаққатлар бошингда ранга-ранга.

Қисса: — Қадим замонда бир одам чўл-биёбонда кетаётган эди. У ердаги кўлнинг лабида бир Арслон ётганди. Унинг ҳузурида Тулки ва Қийик турганди. Ҳалиги одам жуда қўрқиб, олға қадам боса олмай қотиб қолди. Уни Тулки билан Қийик кўриб қолиб: «— Бу бечора одамни Арслон кўриб қолса, албатта ҳалок этади, бир илож қилиб уни ўлимдан қутқазайлик», — деб маслаҳатлашдилар.

Дарҳол Арслонга таъзим қилиб: — Сизнинг адолатингиз ва сахийлигингиз ёлғиз ҳайвонлар орасидагина эмас, инсонлар орасида ҳам машҳур бўлибдир. Бир бечора одам даргоҳингизга келиб, сизнинг ҳайр-эҳсонингиздан умид вор бўлиб турибдир» — дедилар.

Арслон бу одамни ёнига чақириб олиб, кўп меҳрибонлик кўрсатди. Илгари унинг томонидан ўлдирилган одамларнинг олтин, кумушлари у ерда тўпланиб қолган эди. Арслон у пулларни ҳалиги одамга бағишлаб, кетишига рухсат берди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин у тамагир одам яна инъом-эҳсон олиш учун келди. Бу пайтда Арслоннинг ёнида Бўри ва бир неча йиртқич ҳайвонлар турганлар. Улар ҳалиги тамагир одамни кўриб, Арслонга:

— Ана у одамга қаранг, қандай ярамас одам экан, сиз чақирмасангиз ҳам адабсизлик қилиб қўрқмасдан ҳузурингизга келибдир, — дедилар. Арслон газабланиб уни пора-пора қилиб, ҳалокатга етказди.

Ҳикоя: тамагирлик энг ёмон одатдир, қўлида бор бўлган нарсага қаноат қилмай, кўпроқ бўлишини истаган одам ҳаётини хавф остида қолдиради.

Байт:

Кўп знёда истамакдан етгай
ишларга знён,
Истасанг гар фойдани
андозадан кўп истама.

Камчиликни сезиш йўллари

Кўп одамлар ўз айб ва камчиликларини кўрмайдилар. Бошқаларнинг кўзига тушган хасни кўрадилару, ўзларининг кўзларига тушган хасни кўришдан ожизлик қиладилар. Ўз камчилигини кўришни истаган кишилар учун тўрт хил йўл бордир:

Биринчи йўл — камчиликни кўра олувчи комил бир одам билан суҳбатлашиб туришдир, бу йўл шогирд билан устод орасида бўлади.

Иккинчи йўл — самимий хайрихоҳ дўст топиб, ўзининг қилиб турган ишларини, юриш-туришини доимо текшириб туришни — хуш кўрилмаган ишлардан қайтаришни у дўстидан ўтинишдир. Бир донишманд: «Менинг камчиликларимни ўзимга айтган кишилардан миннатдорман», — деб айтади.

Учинчи йўл — камчиликни душманлар огзидан эшитиб, улардан фойдаланишдир. Камчиликларни сўзлаб юрувчи душман икки юзламалик риёкор дўстдан устун туради.

Тўртинчи йўл — халқ билан қатнашиб, баъзи одамларда кўрилган ёмон қилиқлардан сақланиш керак. Халкнинг нафратига сазовор бўлган ёмонларнинг қилиқлари сенда бор бўлса, уни бартараф этишинг лозим. Луқмони Ҳакимдан: «Адабни кимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Луқмони Ҳаким: «Адабни адабсизлардан ўргандим». — деб жавоб берган.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

• *Янги лойиҳалар*

Техникумнинг янги биноси

СССР метеорология ва атроф-муҳитни назорат қилиш Давлат комитетининг бююртмасига асосан СССР Фанлар академиясига қарашли илмий-тадқиқот муассасаларини лойиҳалаш институтининг Тошкентдаги устахонаси меъморлари пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги гидрометеорология техникумининг янги бинои лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Ана шу лойиҳага мувофиқ 960 ўқувчи таълим оладиган уч қаватли янги бино билим юртининг ҳозирги территориясида қурилади. Янги бинонинг олд қисми З. Қобулов кўчасига қараган бўлиб, унда замонавий ўқув жиҳозлари жойлашади.

Ўқув корпусининг лойиҳасини тайёрлашда Тошкентдаги турар жой ва жамоат бинолларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институти томонидан яратилган типовой лойиҳа асос қилиб олинди.

Меъморлар унда спорт майдончалари, студентлар ва ўқитувчиларнинг дам олиш жойлари, шунингдек, майда архитектура элементлари ва фавораларни бир бутун ҳолда жойлаштириб, ягона меъморчилик комплекси яратишга эътибор бердилар.

Гидрометеорология техникуми янги биноси лойиҳасини архитектор В. Городских раҳбарлигидаги мутахассислар коллективи ишлаб чиқди. Қурилиш ишлари тез орада бошлаб юборилади.

А. ПЎЛАТОВ,
архитектор.



СУРАТДА: техникум янги биносининг эскизи.

Шанба оқшоми

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

(ШАНБА РЕПОРТАЖИ)

«Ёшлик» фотостудияси. Бу ерга келиб кетаётган келин-куёвларнинг кети узилмайди. Бахтиёр ва Нилуфар, Шерзод ва Гулираъно, Бехзод ва Муборакхонлар. Бу ёшлар бир умрга бирга бўлишга аҳд қилишиб, никоҳ гувоҳномасини олишгандан сўнг ёру-биродарлари билан эдаликс учун суратга тушиш ниятида ана шу ерга ташриф буюришади. Бу йил ишга туширилган ва асосан келин-куёвлар учун мўлжалланган бу фотостудияда беш ой ичида 14 мингдан кўп ҳамшаҳаримиз суратга тушди.

Бехзод ва Муборакхонлар билан суҳбатлашамиз. Бехзод ўрта мактабда ўқитувчи, Муборакхон эса болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлар экан. Ана, келин ва куёв дўстлари олқишида машиналарга ўтириб, шаҳар кўчаларини бўйлаб сайр қилишга отланишди. Биз ҳам улар кетидан эргашдик.

Шаҳар айланар эканмиз гўзал Тошкентимизда азиз ҳамшаҳарларимиз учун яратилаётган қулайликлар тобора кўпайиб бораётганлигини, янгидан-янги хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилаётганлигини н и кўриб қувонамиз. Ана, Куйбишев шоссесининг бошланишидаги 50 метрдан ортиқ масофани эгаллаган майдонда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда нима қурилаётганлигини билиш мақсадида машинадан тушиб, қурувчиларга яқинлашамиз.

—Шаҳримизда ягона ҳисобланган бу 24 ўринли кўркам сартарошхона Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида ишга туширилади, —дейди шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи К. Азизов бизни қизиқтирган саволларга жавоб бериб.

— Бу сартарошхона йигит ва қизлар учун мўлжалланган бўлиб, мижозлар учун барча қулайликлар яратилади. Байрам арафасида «Марказ—14» кварталида янги ҳаммом ишга туширилади. Бу ерда ателье уйи, сартарошхона, пойафзалларни ремонт қилиб берадиган устахона ва шунга ўхшаш пунктлар ҳамшаҳарларимиз хизматида бўлади. Ана шу объект қурилишига 1 миллион сўм сарфланди.

—Ун биринчи беш йилликда яна қандай янги маиший хизмат кўрсатиш уйлари ишга туширилади?

Шаҳримиз кўчаларини айланишда давом этамиз. Узбекистон ССР 50 йиллиги проспектидамиз. Бу ерда ўнинчи беш йилликда аҳоли хизмати учун ўнга яқин йирик савдо шаҳобчаси фойдаланишга топширилди. Проспектдаги «Кийим ва газмоллар» магазини ёнида эса янги ҳаммом қуриб битказилибди. Бугун ана шу ҳаммом ва бу ердаги маиший хизмат кўрсатиш пунктлари дастлабки мижозларга хизмат кўрсата бошлади. Бу билан шаҳримиздаги маиший хизмат кўрсатиш пунктлари сони 1175 тага етди.

Меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада ошириш республикамиз пойтахти аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси янги объектларни кўпроқ қуришга катта аҳамият бермоқда. Бошқармасининг меҳнат аҳли шу йилнинг тўққиз ойи ичида планда белгиланган 30049,5 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Ҳар куни ҳамшаҳарларимизга 150 минг сўмлик ҳар хил хизмат кўрсатилмоқда.

Маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг келгуси беш йилликдаги режалари янада улкан ва хизмат кўрсатиш турлари ранго-рангдир.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

▲ КОИНОТ СИРЛАРИ

Юлдузлардаги чақнашни кўрамиз

Сайёраларни телескоплар билан текшириш олимларга кўпдан-кўп янгиликлар беради. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Астрономия институтига Германия Демократик Республикаси д а г и машҳур Карл Цейсс фирмасидан ана шундай улкан телескоп олиб келинди. Бу телескоп учун бундан бир неча йил муқаддам республика астрономия аҳлининг илтимосига мувофиқ шу фирмата буюртма берилган эди.

Хўш, бу ноёб телескоп қаерга ўрнатилади, унинг ёрдамида қандай самовий жисмлар кузатилади?

Аввало шуни айтиш керакки, ҳозирги замон телескоплари само талабига жавоб берадиган даражада кўринадиган ерга ўрнатилганлигина сифатли ишлайди. Бинобарин астрономлар шундай жой қидиришди. Ниҳоят телескопни Қашқадарё область Қамаши районидаги Майдонак тоғ этакларига ўрнатишга қарор қилишди. Шу кунларда бу ерда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Яқин келажакда бу ерда ишлаб турган ўрта катталикдаги телескоплар қаторидан юқорида айтилган улкан рефлектор ҳам жой олиб, у бизга само жисмларини янада «яқинлаштиради».

Хўш, бу телескоп олдига қўйилган илмий кузатув вазифалари нималардан иборат бўлади. Маълумки, бизни қуршаб олган коинотни ўрганиш фақат илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлибгина қолмай шуниндек материалистик дунёқараш асосларини янада ривожлантиришга ҳам зарурдир. Шундай экан, самовий жисмларининг физикасини ва уларда ҳозир юз бераётган жараёнларни аниқроқ кузатиб бориш ҳамда олинган маълумотларга таянган ҳолда чуқур илмий назарияларни яратиш олимлар олдида турган муҳим вазифадир. Ана шу вазифаларни бажаришда янги телескоп муҳим восита бўла олади. Унинг ёрдамида олис юлдузлар дунёсида юз бераётган ноёб чақнашлар, юлдузлараро муҳитдаги материяларнинг самовий жисмларининг вужудга келиши, физик ўзгарувчан юлдузларнинг келиб чиқиши, галактикалар д а г и (бошқа юлдуз системаларидаги) жараёнларнинг сабабларини ва шунга ўхшаш қатор муҳим кузатишлар олиб борилади.

А. ЛАТИПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия институтининг директор ўринбосари, физика-математика фанлари кандидати.

ШИРИНЛИКЛАР

Узум мураббоси

Хоҳлаган сортдаги яхши пишган узумнинг (узум уруғсиз бўлса яна яхши) бандини олиб ташлайсиз. Агар узум доначаларининг пўсткалин бўлса, иссиқ сувга бир-икки минут солиб қўясиз.

Шакардан қиём қайнатиб, қиёмни узумнинг устидан қуясиз ва 8—10 соат шундай қолдирасиз, кейин қиёмни узум доначаларидан ажратиб қайнатасиз-да, яна узумнинг устидан қуйиб 8—10 соат қўясиз, сўнг мураббони охиригача пиширасиз. Мураббо пишиш олдидан таъмини яхшилаш учун ванилин қўшасиз.

Узум мураббо учун: бир кило узум, бир килограмму 200 грамм шакар, бир стакан сув, бир чой қошиғида ванилин ишлатилади.

Олма қиёми

Қиём учун майда ва узун бандли «китайка» сортли олмалар яхши бўлади. Қозонга шакар ва сув солиб қиём тайёрлайсиз. Қайноқ қиёмга ювиб, суви яхши силқитилган олмани солиб пишгунча суст олованда қайнатаверасиз (олманинг уруғи ва банди олинмайди). Тайёр қиёмга жавҳарлиму ёки ванилин қўшилади.

Олма қиёмига: бир кило олма, бир ярим кило шакар, бир ярим литр сув, ярим чой қошиғида жавҳарлиму ёки ванилин етади.

Олимлар лабораториясида

ЙОД—ШИФОБАХШ ДОРИ

Андижон педагогика институтининг олимлари жўжалар касалланишига қарши курашнинг самарали воситаси сифатида таркибида йод бўлган туздан фойдаланишни, йод бўлғари билан эса паррандачилик фабрикаларини дорилашни таклиф қилдилар. Фан кандидатлари К. Ҳайдаров билан О. Эргашев, илмий ходимлар К. Раҳимов билан Х. Исоқовлар уч йил давомида ўтказган тажриба асосида йод нафас олиш касалликларини анча камайтириш имконини беради, деган хулосага келинди. Андижонлик олимларнинг даволаш методини жорий этишдан келадиган иқтисодий самара область паррандачилик бирлашмасидаги биргина ана шу фабриканинг ўзида бир йилда 400 минг сўмдан кўпроқни ташкил этади.

(ЎзТАГ).

• *Дам олиш соатида*

«МЕДИЦИНА» ЧАЙНВОРДИ

1. Табиий шифобахш воситалари билан даволаш муассасаси. 2. Одам ҳароратини ўлчаш асбоби. 3. Немис физиги ихтиро этган медицина аппарати. 4. Асаб касалликлари врачи. 5. Қадимги юнон шифокори, илмий медицинанинг асосчиси. 6. Ички касалликларни даволовчи мутахассис врач. 7. Кўз жилдининг юқумли касаллиги. 8. Дорихона. 9. Қадимдан табобатда ширасидан доривор тайёрланиб келинган ўсимлик. 10. Медицинанинг ички секреция безларини ўрганувчи ва даволовчи мутахассис. 11. Даволанишда қўлланиладиган узум шираси. 12. Кўричакнинг яллигланиш касаллиги. 13. Дори-дармон шакларидан бири. 14. Оғриқни қолдирадиган, иссиқни туширадиган дори. 15. Сунъий йўл билан вужудга келтириладиган уйқу. 16. Ойлик илмий-оммабоп журнал.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.



4 ОКТЯБРДАГИ «А» ҲАРФЛИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Авара. 2. Астро. 3. Адоий. 4. Абзац. 5. Арбоб. 6. Алока. 7. Аброр. 8. Арнем.

Шиор: «Пахтазор—зарбдор фронт».

∴ ∴ ∴

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга Б. Расулова, Б. Шоикромов, С. Шодиев, Т. Аллабердиев, Д. Шарипова, А. Орипов, Л. Ҳамилов, Б. Соатов, М. Иноғомова ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. АҲМЕДОВ: Олий ўқув юртида ўқитувчилик қилаётган киши бошқа олий ўқув юртига ишга ўтганда унинг меҳнат стажида узилиш бўладими ёки бўлмайдими?

Жавоб: Узлуксиз меҳнат стажини аниқлаш тартиби ҳақидаги қоидага кўра конкурс шартига мувофиқ ҳолда олий ўқув юртидаги профессорлик, муаллимликка ёки илмий тадқиқот муассасаларидаги илмий ишга, шунингдек, театрлардаги ва бадиий коллективлардаги шартли лавозимга ишга ўтганда меҳнат стажида узилиш бўлмайди.

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар составидан ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходими бўлган кишилар конкурсга мувофиқ ўзлари илгари эгаллаб турган лавозимига янги муддатга сайланмаганлиги сабабли ишдан озод қилинганда бир ой муддатда бошқа ишга жойлашсалар, уларнинг меҳнат стажида узилиш бўлмайди.

∴ ∴ ∴

С. ХОЛДОРОВ: Қариллик пенсиясига чиқиб, 50 сўм миқдорида пенсия оладиган ва айни пайтда қоровуллик лавозимида ишлаётган киши ишдан бўш пайтларида бошқа ташкилотда ҳам қоровуллик лавозимида ишлаши мумкинми?

Жавоб: Пенсияга чиққан ва бир жойда қоровуллик лавозимида ишлаётган киши агар бошқа жойда ҳам ишлаш имконнятига эга бўлса, ўзи ишлаб турган ташкилот маъмурнятидан иш графиги ва уни бошқа жойда ишлашига розилиги ҳақида справка олиши лозим. Ҳар икки ташкилот розилиги бўлган тақдиргагина у ана шу жойларда ишлаши мумкин.

∴ ∴ ∴

М. ОРЗИЕВА: Ҳурматли редакция! Тошкентда аэроклуб борми? Бор бўлса, у қаерда жойлашганлиги, қабул шартлари ва қизларни қабул қилиши ёки қилмаслиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон ДОСААФининг Тошкент аэроклуби мавжуд. Аэроклуб Халқлар дўстлиги кўчасидаги 28-уйда жойлашган. Аэроклубда спортчи-учувчи, спортчи-парашютчи, авиамоделчилар секциялари бор. Парашютчилар тайёрлаш курсига 16 ёшдан 23 ёшгача бўлган ҳамда 9-синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади. Спортчи-учувчилар ва планерлар секциясига эса ўрта маълумотга эга бўлган 17—23 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Клубга кирувчилар махсус медицина кўригидан ўтказилади. Комиссия кўригидан муваффақиятли ўтганларга ўғил ёки қиз бола бўлишидан қатъий назар аэроклубдаги машғулотларда қатнашишга рухсат берилади.

Аэроклубга кирувчилар ўқиётган ёки ишлаётган бўлишлари шарт.

∴ ∴ ∴

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ, М. ҲИДОЯТОВ: Баскетболчи бўлиш ва шу спорт сирларини мукаммал эгаллаш ниятидамиз. Иложи бўлса, ўқувчиларга баскетбол сирлари қаерда ўргатилиши ва секцияга қабул қилиш шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Киров район халқ маорифи бўлимига қарашли 7-мактаб баскетбол сирларини ўргатиш бўйича ихтисослашган олимпиада резервлари мактаби ҳисобланади. Ўқувчилар бу ерда баскетбол билан шуғулланиш техникаси ва тактикасини мукаммал ўрганадилар. Шунингдек, улар турли учрашувларда қатнашиш бўйича амалий кўникма ҳосил қилишади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ЗТошкент бет оқшоми

18 ОКТЯБРЬ, 1960 й.

• *Аҳолига қулайлик*

ЯНГИ ТАКСИЛАР

Шаҳримизда «ГАЗ—24» маркали енгил такси машиналар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳозирда яна ўнта ана шундай машина келтирилди. Бу машиналар бугун йўловчилар хизматига чиқарилди.

«Главташпассав т о транс» бошқармаси йил бошидан бери ана шундай машиналардан 407 та олди.

АРЗОН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида янги автомагазин харидорларга хизмат кўрсата бошлади. Шу ерда комиссион магазин ҳам жойлашган. Магазинда аҳолидан енгил машиналар ва мотоциклларнинг эҳтиёт қисмлари сотиб олинади ва сотилади. Бу магазин душанба кунидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9.00 дан 18.00 гача харидорлар ҳожатини чиқармоқда.

«Узспорттторг»ни н г 14-магазинига қарашли шунга ўхшаш яна бир магазин филиали келаси ойдан бошлаб Юнусобод массивида аҳоли хизматига топширилади. Унинг савдо зали 300 квадрат метрдан иборат.

Ҳаётда баъзан шундай кимсалар учрайдики, улар худди тоза гуруч ичидан чиққан курмакка ўхшайди. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев ўз мўйқалами билан ана шундай нусхаларни шафқатсиз фош этади.

Мана бу расмларда ҳам у қўли доим кўксида ваъдабозларни, шарм-ҳаёни йўқотган ичкиликбозларни, антиқа касб эгаларини: ҳам шофёр, ҳам кондуктор, ҳам контролёрлик қилаётган айрим транспорт ходимларини танқид тиғи остига олган.

• *«Пахтакор»нинг рақиблари*

«СПАРТАК» (Москва)

Бугун марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган тошкентлик футболчилар Москванинг «Спартак» командаси билан беллашадилар.

Мамлакатимиздаги энг кекса футбол клубларидан бири бўлган «Пахтакор»нинг бугунги рақиби 1922 йилда ташкил қилинган. 1935 йилдан буён у «Спартак» номи билан юритиб келинмоқда. Ана шундан буён спартакчилар олий лигада қатнашиб келмоқдалар. Тўғри, 1977 йилда команда биринчи лигада беллашишга мажбур бўлган эди.

«Спартак» мамлакатимиздаги энг машҳур ва номдор командалардан бири ҳисобланади. Команда ўн марта мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритган. Олти марта мавсумни иккинчи ўринда якунлаган. Етти марта команда мамлакат биринчилигининг бронза медали билан тақдирланган.

«Спартак» ўзига хос ўйин услубига эга эканлигини биринчи лигада қатнашган йилдан кейиноқ яна кўрсатди. 1978 йил мавсумини у бешинчи ўринда якунлади. Ўтган йили эса ҳужумкор ўйин кўрсатиб, мамлакат чемпиони деган унвонни қўлга киритди. Бу йил ҳам спартакчилар ўтган йилги муваффақиятни такрорлаш ниятидан қайтганлари йўқ. Улар ҳозирча биринчи ўринда бораётган Киевнинг «Динамо» командасидан беш очко орқада қолишмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил спартакчиларнинг зиммасига жуда шарафли вазифа тушди. Команда ўйинчилари СССР олимпиада терма командаси шарафини ҳимоя қилдилар. Яқинда мамлакатимиз терма командаси футбол бўйича Жаҳон биринчилигининг саралаш мусобақаларида Исландиянинг терма командаси билан беллашди. Бу учрашувда футболчиларимиз йирик ҳисобда ғалабага эришдилар. Мувaффақиятни таъминлашга спартакчилардан дарвозабон Ренат Досаев, ҳимоячи Вагиз Хидиятулин, ярим ҳимоячи Юрий Гаврилов, Сергей Шавлодар ҳам муносиб ҳисса қўшишди. «Спартак» «Пахтакор» учун анъанавий ноқулай командалардан бири ҳисобланади. Бунн командалар ўртасида бўлган учрашувлар натижасидан ҳам билиб олиш мумкин. Бу командалар шу йилги мавсумга қадар 24 марта майдонда куч синашганлар. Бу учрашувларнинг 13 тасида спартакчилар, 4 тасида пахтакорчилар голиб чиқишган. 16 учрашув дуранг натижа билан якунланган. Дарвозани нишонга олишда ҳам меҳмонларнинг яқол устунлиги бор.

Шунга қарамасдан тошкентлик футболчилар спартакчилар билан бўлган учрашувларни ҳамиша кўтаринки руҳда ўтказишади. Ишончимиз комилки, бу сафар ҳам ҳамшаҳарларимиз яхши ўйин кўрсатиб, мухлисларни хушнуд этадилар.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 ОКТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бизнинг иссиқ уйимиз». Ёқутистондаги Юқори Вилюй физика-математика мактаби ўқитувчиси М. А. Алексеев ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.05 Расул Гамзатов лирикаси. 16.35 «Биз билан бирга, биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.35 «Онамларнинг мактаби». 18.05 «Звёздочёт». Телевизион журнал. 18.50 Ф. Мендельсон. «Шотланд симфонияси». 19.30 «КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ». «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 20.00 А. Хачатуряннинг «Спартак» балети. ССР Иттифоқи Давлат академик Катта театрининг спектакли. 21.30 «Время». 22.15 «Спартак» балетининг давоми. 23.05 «Футбол шарҳи». 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» (Киев) — «Спартак». Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.20)—«Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 «Музикали киоск». 00.40 «Оддий ой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 01. 45 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Кел, дўстлашамиз». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар». Ака-ука Исломовлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рояль олдидаги суҳбатлар». 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 «Совет киноси усталари». Кинооператор Михаил Краснянский (рус.). 23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.55 «Сув». Телефильм (рус.). 22.20 «Инсон қиёфасини ўзгартиради». Бадиий фильм. 1-серия.

21 ОКТЯБРЬ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 А. Хачатуряннинг «Спартак» балети. ССР Иттифоқи Давлат академик Катта театрининг спектакли. 12.35 «Фаслларнинг жонли алоқаси». Ҳужжатли фильм. 12.50 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари программаси: «Қувонч улашиб», «Чой, тешик кулча ва кино», «Хиза гиламлари». 16.10 «Жонажон табиат». 16.30 Д. Фурманов. «Чапаев». 17.15 «Объектив». 17.50 «Сизга манзур бўлган шеърлар». 18.20 В. А. Моцарт. Оркестр ва скрипка ижросида учун 2-концерт. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Подмосковьеда куз». Кинолавҳа. 19.35 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 19.50 «Голиблар авлоди». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Баянсиз қўшиқ қўшиқми?». Танаффус пайтида (23.00)—«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 От спорти бўйича Халқаро мусобақалар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. 23.45 Консерваториянинг Катта залида камер концерти. Халқаро конкурслар лауреати Г. Жислин чалади (скрипка). 00.40 «Оддий ой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 01.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Н. Г. Чернишевскийнинг ҳаётий жасорати». Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви. 12.00 Болалар учун фильм. «Юлька, Васька ва бошқалар». 12.30 «Уйгун—лирик шоир». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Дастлабки пионер гулханларининг алангаси» (рус.).

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.35 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.05 «Халқ контроли экрани». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Газал оқшоми». Кўрсатувни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Далада ишлаётганлар, Сизлар учун». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Ишга туширилалиган объектлар—сафга!». Наманган ва Марғилон ёғли газламалар комбинатларининг қурилиш коллективлари мусобақалашмоқдалар (рус.). 22.35 «Театр учрашувлари». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Бошланғич мактаб. Муаммолар ва ечимлар» (рус.). 20.55 «Шундай аёллар яшайди». 21.25 Телефильм (рус.). 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 22.35 «Инсон қиёфасини ўзгартиради». Бадиий фильм. 2-серия

ЧОРШАНБА — 22 ОКТЯБРЬ

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 Мультфильмлар программаси. 10.45 «Голиблар авлоди». Бадиий фильм. 12.25 СССР Иттифоқи Давлат академик Катта театри артистларининг концерти. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Мен ўз еримни севаман». Ҳужжатли фильм. 15.50 «Рус ва совет куйларининг танланган саҳифалари». 16.40 «Рус тили». 17.10 «Москва репортажи». 17.40 Совет қўшиқлари концерти.

18.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.40 Концерт. 19.05 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 20.10 «Мравинский ҳақида мулоҳазалар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.15 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. «Спартак» — «Эсбьерг» (Дания). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Хатларингиз асосида». Ўқитувчилар учун музикали программа. 22.25 «Астрахань». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама». 24.00 М. Мусоргский. «Кўргазмадаги расмлар». 00.40 «Оддий ой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 01.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Товуш тўлқинлари». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 Болалар учун фильм. «Капитан». 12.30 «Товуш тўлқинлари». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Шеърият дафтаридан». З. Обидов. 13.20 Фарғона область Қувасой шаҳар Маданият уйи болалар бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти (такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Оҳ, дам олдик...». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Ўсмир ва қонун». 19.00 Олий лига командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент)— «Спартак» (Ленинград). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». Асқад Мухтор. 20.30 «Ахборот». 20.50 Т. Жалилов номли Ўзбек Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Ракеталар учмаслиги керак». Бадиий фильм. 23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.55 Реклама. 21.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 21.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.45 «Бахтли бўлай десанг». Телевизион бадиий фильм (рус.).

23 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.45 Монголия Халқ Республикаси Давлат қўшиқ ва рақс ансамбли ижро этади. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро кунига «Келажак сайёралари». Ҳужжатли фильм. (СССР ва Болгария). 16.00 «Революция плакати». 16.30 «Нурли овоз». Фильм-концерт. 17.35 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Ленин ва СССР Давлат мукофоти лауреати СССР Фанлар академиясининг академиги Л. М. Бреховских билан учрашуви.

18.30 «Миллионлар ленинча университети». 19.00 «Қувноқ ноталар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.00 Концерт. 20.25 «Ўзингга буюр». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М.) — «Спартак» (М.). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.35)— «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 24.00 С. Прокофьев. 5-симфония. 00.40 «Бахтли рейс». («22—12» машина). Бадиий фильм. 01.55 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Беш йиллик — бизга, биз— беш йилликка» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.) 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек артистлари ижросида чет эл Шарқи халқларининг куйлари. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 Ў. Умарбеков. «Отилмаган ўқ». «Ёш гвардия» драма театрининг спектакли. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 20.55 Ўқитувчи экрани. «Тригонометрик тенгламаларни ечиш». 21.25 «Якунловчи беш йилликка — зарбдор меҳнатимиз». 21.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 22.55 «Тадас Блинда». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).

24 ОКТЯБРЬ—ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.15 Ёшлар ижоди. 10.45 «Ўзингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.50 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги электр-музика чолғу асбоблари ансамблининг концерти. 12.15 «Дераза орқасида—Арктика». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар программаси. «Красноярск миллиарди маршрутлари бўйлаб», «Тюмень сабоқлари». 16.00 «Шахмат мактаби». 16.30 «Москва ва москваликлар». 17.00 «Умид стартлари». 17.45 «Уруш ва тинчлик» романидан парчалар. СССР халқ артисти Д. Н. Журавлёв ўқийди. 18.25 «Халқ ижодиёти чашмаларидан». Ҳужжатли фильм. 18.45 Дон казаклари Давлат қўшиқ ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Время» программасининг почтаси. СССР Олий Советининг депутатлари иштирок этади. Эшиттиришни шарҳловчи Е. Синицин олиб боради. 20.05 «Э. Хиль куйлайди». Фильм-концерт. 20.25 «Ўзингга буюр». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Бокаччо». Телевизион музикали спектакль премьераси. (Ф. Зуппе опереттаси асосида). 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Таврия» (Симферополь) — Жальгирис» (Вильнюс). Симферополдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.45 «Пятигорск». Телевизион ҳужжатли фильм. 24.00 М. Кажлаев. «Фарҳод ва Ширин». Симфоник фрескалар. 00.40 «Катта оила». Бадиий фильм. 02.20 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Артек табассумлари». Фильм-концерт. 12.00 «До-ре-ме-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви (такрорий). 12.30 «Пелагея Ниловна». (М. Горькийнинг «Она» романи асосида). Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.30 «Замандаc». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. (қозоқ тилида).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Жасур йигитлар». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.55 «Врач маслаҳати». 19.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. ЭФИРДА—ЭСТОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 20.30 «Ахборот». 20.50 КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. ЭФИРДА — ЭСТОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ (Давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.45 «Бировнинг комида». Бадиий фильм. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.55 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг» (рус.). 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 22.25 «Тадас Блинда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 23.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент)— «Металлург» (Челябинск).

25 ОКТЯБРЬ—ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.15 «АБВГДейка». 10.50 «Ўзингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.55 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.25 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Толстая ижросида арфа учун пьесалар». Фильм-концерт. 12.35 «Кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб берайлик». 13.05 «Қуёш омборхонаси». 14.00 «Спортлото»нинг 43-тиражи. 14.15 «Сени қизиқтирган китоблар». 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун. «Қизил хўроз. Плимутрок». Телевизион бадиий фильм. 16.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.20 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». Иркутскдан олиб кўрсатилади. 18.00 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.30 «Цирк майдонида». 19.25 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 19.55 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Оддий муҳаббат». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 СССР халқ артисти Б. Штоколов ва В. Андреев номли рус халқ оркестрининг концерти. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 23.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Пахтакор». 2-тайм. «Динамо» стадионидан олиб кўрсатилади. 22.45 «Шингнинг мовий маржони». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 24.00 И. Брамс. Тўртинчи симфония. 00.40 «Бумбараш». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 02.50 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 «Ўзбекистон спорти». (рус.). 11.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 1-серия (рус.). 12.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.30 «Назм ва наво». Нодира лирикаси (такрорий). 14.55 «Жанговор постда». 15.25 «Цирк, цирк, цирк».

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 18.00 «Дилли-Далли қуёшли боғда», «Яшил эртак». Болалар учун мультфильмлар. 18.30 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». КПСС XXVI съездига бағишланган Ўзбекистон областлари ва Қорақалпоғистон АССР болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. «Экранда — Сурхондарё области». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг солистлари З. Суюнова, Х. Эсонова, Х. Жониева ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 «Далада ишлаётганлар. Сизлар учун». Концерт. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

16.20 Кўрсатувлар программаси. 16.25 Болалар учун фильм. 17.00 «Дўстлик экрани». 18.00 Москва. Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.30 «Пионер» студияси кўрсатади (рус.). 19.00 «Новости». 19.20 «Кинокамера билан саёҳат» (тожик тилида). 20.20 «Ахбор». 20.45 «Зебо» халқ ансамбли иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Бизнинг шарҳ» (тожик тилида). 22.45 «Театрингиз уйда». Н. В. Гоголь. «Ревизор». Лоҳутий номли тожик давлат академик драма театрининг спектакли. 00.45 Душанба кўрсатувларининг охири.

26 ОКТЯБРЬ—ЯКШАНБА

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

9.00 «Время». 9.50 «Зарядкага сафланинг!». 10.15 «Халқ оҳанглари». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Здоровье» программасининг почтаси. 12.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.15 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 «Катта ўзгаришлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 16.05 «Шаҳарлар ва одамлар» туркумидан. «Кириши». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.40 «Бугун—Автомобиль транспорти ходимлари куни». РСФСР автомобиль транспорти министри Е. Г. Трубициннинг сўзи. 16.55 «Хатларингиз асосида». Автомобиль транспорти ходимлари талабларига биноан концерт. 17.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.40 П. Чайковский. «Ромео ва Жульетта» увертюра-фантазияси. 19.00 «Халқаро панорама». 19.45 «Буюк китоб боблари». 8-фильм. 20.45 Бадиий гимнастика бўйича Европа чемпионати. Амстердамдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) —«Динамо» (Тбилиси). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 22.45 «Жаҳон халқлари ижоди». 23.15 «Вологданинг эримас қировлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

21.45 Дзю-до бўйича Европа чемпионати. Австриядан олиб кўрсатилади. 22.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи. 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Инсон ва қонун». 23.45 Москва Давлат консерваторияси симфоник оркестрининг концерти. 00.40 «Ҳайрли тонг». Бадиий фильм. 02.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Алёнушка ва солдат». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 10.30 «Йўллар барчага кифоя қилади». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.50 Телевидение экранида биринчи марта. «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 2-серия (рус.). 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Фан уфқлари». 13.30 «Кинопублицист экрани». Кинокўрсатув. 14.15 «Телевизион театр почта»си. 15.45 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тяп ва Мика». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.40 «Ўйлаб топ» (рус.). 19.10 «Бугун — Автомобиль транспорти ходимлари куни». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳайрулла Лутфуллаев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Ватан солдати». Бадиий фильм. Инженер қўшинлари генерал-лейтенанти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Д. М. Карбишев туғилган куннинг 100 йиллигига. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/X да **Олтин девор**, 19/X да **Абу Али ибн Сино**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/X да **Тўйдан олдин томоша**, 19/X да **Ур, тўқмоқ** (16.00). **Тошкентнинг нозанин маликаси** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Москва цирки артистларининг гастроллари** (19.30).

КИНО

18 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КЕЛИШУВ» — **Лисунов номли.** ОМАД ТУМОРИ» — **Дружба.**

«ОРОЛЛАРДАГИ ЖАСОРАТ» — **Фестиваль.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОРҚАДАН УЗИЛГАН ЎҚ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«РЕВАНШ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

19 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КЕЛИШУВ» — **Лисунов номли.**

«ОМАД ТУМОРИ» — **Дружба.**

«ОРОЛЛАРДАГИ ЖАСОРАТ» — **Фестиваль.**

«БИЗНИ АВФ ЭТИНГ» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОРҚАДАН УЗИЛГАН ЎҚ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Мир** (тоқ соатлаарда, телефон 91-08-30).

«РЕВАНШ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилувчилар, муқовачилар ва санаб ўтилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар, вахтёрлар, фрезерчилар, слесарлар, токарлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ (оперетта) ТЕАТРИГА КВАРТИРАЛАР

КЕРАК

77-85-92, 77-83-54 телефон номери бўйича мурожаат қилинг.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг

РЕСПУБЛИКА ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

электрон ҳисоблаш машиналарининг «Роботрон-1720» бухгалтерлик автоматлари ва бошқа ҳисоблаш техникасининг операторларини тайёрлайдиган

ҚУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш даврида стипендия тўланади. Курсларни тугатганлар ишга қабул қилинадилар.

АРИЗАЛАР 5 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 42-уй. Телефон 66-21-00.

Чилонзор районидаги 2-турар жой бошқармасининг

«КОММУНАЛЬНИК» клуби қошидаги

«ЮНОСТЬ» ФОТОКЛУБИ

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

«ДУНЁ БОЛАЛАР КЎЗИ БИЛАН»

ФОТОКЎРГАЗМАСИНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг кинолаштириш бошқармаси.

АГАРДА СИЗ, ҲИСОБЛАШ ВАҚТИДА «ЭЛЕКТРОНИКА» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ ЧИҚАРИЛГАН НАТИЖАЛАРНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА СИРА ШУБҲА ҚИЛМАСАНГИЗ ҲАМ БЎЛАДИ.

Ҳисобларнинг аниқлиги, юксак оперативлик, натижанинг ишончлилиги, тошнинг енгиллиги—булар жажжи ЭВМнинг баъзи афзалликларигина холос.

«ЭЛЕКТРОНИКА БЗ—37» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИ **8 сонга қадар бўлган 10 хил операцияни аниқ бажара олади. Ҳар қандай, ҳаттоки энг мураккаб ҳисоб-китоблар ечими ҳам бир секунддаёқ ҳал бўлади-қолади.**

«ЭЛЕКТРОНИКА БЗ—23» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИ **борйўғи 0,5 секунд ичида тайёр натижа кўрсата олади.**

«ЭЛЕКТРОНИКА БЗ—24» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИНИНГ **электрон хотираси жамланган натижаларни эслаб қолиш билан бир неча сериядаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини беради.**

«ЭЛЕКТРОНИКА» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАРИ— **ҳамма-ҳамма учун мўлжалланган.**

У—инженерлар, бухгалтерлар, студентлар, мактаб ўқувчиларининг бебаҳо ва ишончли ёрдамчисидир.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЭЛЕКТРОНИКА» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАРИНИНГ НАРХИ ЎРТАЧА 25 ДАН 60 ПРОЦЕНТГАЧА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН!

УЛАРДАН БАЪЗИЛАРИНИНГ ЯНГИ НАРХЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ.

Микрокалькуляторларнинг тури	Эски нархи	Янги нархи
«Электроника БЗ—18А»	220—00	95—00
«Электроника БЗ—37»	180—00	90—00
«Электроника БЗ—23»	50—00	30—00
«Электроника БЗ—24»	60—00	40—00

«ЭЛЕКТРОНИКА МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАРИНИ СИЗ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БАЪЗИ АДРЕСЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

8—Черданцев кўчаси, 22-уй.
22—Муқимий кўчаси, 4-уй.
25, 5, 25/7—шаҳар ярмаркаси.
30—янги шаҳар ярмаркаси (Навоий кўчаси).
47—Муқимий кўчаси, 1-уй.
37—Олой бозори.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

18 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 Болалар учун. «Қўрқув билмай». Бадиий фильм. 17.05 «Ҳайвонот оламида». Кўрсатувни Н. Н. Дроздов олиб боради. 18.05 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.35 «Кинопанорама». Илова. «Электрониканинг саргузашти». Телевизион бадиий фильми ҳақида суҳбат. Кўрсатувни РСФСР халқ артисти, кинорежиссёр Э. Рязанов олиб боради. 19.05 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. Кўрсатувни шарҳловчи Д. А. Голованов олиб боради. 19.50 «Эзгулик тантана қилади». Телевизион спектакль премьераси. 21.30 «Время». 22.15 СССР халқ артисти Е. Образцова ҳамда Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси халқ чолғу академик оркестри ижросида рус романслари. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) —«Торпедо» (Москва). 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 22.45 Телевизион ҳужжатли фильм. 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 24.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 00.40 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм. 18.50 Мультфильм. 19.00 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Назм ва наво». Нодира лирикаси. 20.30 «Ахборот» 20.50 «Назм ва наво». Нодира лирикаси (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 «Ўзбекистон, 80-йил қўшиқлари». Эстрада программаси. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

19 ОКТЯБРЬ—ЯКШАНБА

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Востон» программаси

9.00 «Время». 9.50 Халқ оҳанглари. 10.05 «Будильник». 10.35 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.35 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 12.20 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.55 «Фан ва техника». Киножурнал. 13.05 «Қишлоқ янгиликлари». 14.05 «Музикали киоск». 14.35 «Катта ўзгаришлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.45 «Шаҳарлар ва одамлар» туркумидан «Ёрқин шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.20 «Бугун—Озиқ-овқат саноати ходимлари куни». СССР Озиқ-овқат саноати министри В. П. Леин сўзи. 16.35 «Хатларингиз асосида». Озиқ-овқат саноати ходимларининг талабларига биноан концерт. 17.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.20 «Халқаро панорама». 19.05 «С. Т. Хренников билан учрашув». Фильм-концерт премьераси. 19.55 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Рудин». Бадиий фильм. И. С. Тургеневнинг шу номли романи асосида. 21.30 «Время». 22.05 «Москва кузи» совет музикасининг II фестивали. 23.05 Ҳужжатли фильм. 23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Қайрат» (Олмаота). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.10 Халқаро конкурс лауреати Л. Снегирёва (арфа) чалади. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Қайрат» (Олмаота). 1-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.30 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». М. Греку. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 24.00 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. 00.40 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Куйла, Санобар». Фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 10.40 «Олтин соат». Бадиий фильм. 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Қалбим ва қўшиғим сизга». СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Л. Зикина чўлқуварлар ҳузурида. 13.40 «Шахмат мактаби». 14.10 Олий лига командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — «Калев» (Таллин). 14.40 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Женя лақабли мушукча ва кўча ҳаракати қоидаси ҳақида». Мультфильм. 18.35 Болалар учун. «Юлдузча». 19.05 Бугун—Озиқ-овқат саноати ходимлари куни. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар». Гулчеҳра Саъдуллаева. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Бу гулшан соз экан». Лирик концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Далада ишлаётганлар, Сизлар учун». Концерт. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83: совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—14158. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2222.